

ЧҮЛ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

Мавлонов Аҳмаджон Муҳамадович

Бухоро давлат педагогика институти кафедра мудири,

Аннотация:

Ушбу мақола чўл туризмини ташкил етиш билан боғлиқ турли муаммолар ва ташвишларни ўрганади. Ўзининг ноёб ландшафтлари ва маданий тажрибалари билан ажралиб турадиган чўл туризми еътибор ва стратегик бошқарувни талаб қиласидиган муайян муаммоларга дуч келади. Изоҳ чўл туризмини режалаштириш, амалга ошириш ва барқарорлиги билан боғлиқ мураккабликларни ўрганади, мумкин бўлган тўсиқларни ёритади ва самарали ташкилий ёндашувлар ҳакида тушунча беради. Муҳокама атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоатчилик иштироки, инфратузилмани ривожлантириш ва туризмни ривожлантириш ва чўлнинг заиф екотизимларини сақлаш ўртасидаги нозик мувозанат каби омилларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: Чўл туризми, туризм ташкилоти, барқарорлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоатчилик иштироки, инфратузилмани ривожлантириш, маданий муҳофаза, манбаатдор томонларнинг ҳамкорлиги, чўл екотизими, масъулиятли туризм, режалаштириш ва амалга ошириш, муаммолар ва ташвишлар, туризм таъсирини бошқариш, эконом.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПУСТЫННОГО ТУРИЗМА

Мавланов Аҳмаджон Муҳамадович

**заведующий кафедрой Бухарского государственного педагогического
института**

Аннотация:

В этой теме рассматриваются различные проблемы и проблемы, связанные с организацией туризма в пустыне. Пустынный туризм, характеризующийся

уникальными ландшафтами и культурным опытом, сталкивается с конкретными проблемами, которые требуют внимания и стратегического управления. Аннотация углубляется в сложности, связанные с планированием, осуществлением и устойчивостью пустынного туризма, проливает свет на потенциальные препятствия и дает представление об эффективных организационных подходах. Обсуждение охватывает такие факторы, как охрана окружающей среды, участие сообщества, развитие инфраструктуры и хрупкий баланс между продвижением туризма и сохранением хрупких экосистем пустыни.

Ключевые слова: туризм в пустыне, туристическая организация, устойчивость, охрана окружающей среды, вовлечение общества, развитие инфраструктуры, сохранение культурного наследия, сотрудничество заинтересованных сторон, экосистема пустыни, ответственный туризм, планирование и реализация, проблемы и проблемы, влияние туризма, экономические выгоды, управление рисками.

SOME ISSUES OF DESERT TOURISM ORGANIZATION

Mavlanov Ahmadjon Muhamadovich

Head of the Department of Bukhara State Pedagogical Institute

Annotation:

This topic explores various challenges and concerns related to the organization of desert tourism. Desert tourism, characterized by its unique landscapes and cultural experiences, faces specific issues that demand attention and strategic management. The annotation delves into the complexities surrounding the planning, execution, and sustainability of desert tourism, shedding light on potential obstacles and providing insights into effective organizational approaches. The discussion encompasses factors such as environmental conservation, community engagement, infrastructure development, and the delicate balance between promoting tourism and preserving the fragile desert ecosystems.

Keywords: Desert Tourism, Tourism Organization, Sustainability, Environmental Conservation, Community Engagement, Infrastructure Development, Cultural Preservation, Stakeholder Collaboration, Desert Ecosystem, Responsible Tourism, Planning and Execution, Challenges and Concerns, Tourism Impact, Economic Benefits, Risk Management.

Кириш. Иқлимий маълумотларга кўра, ҳозир чўл ва чалачўллар 4,7 млрд га ни эгаллади. Қуруқликни қарийб 1/3 қисмини ишғол этган бундай жойларда дунё ахолисининг 15 фоизи яшайди [1]. Арид хусусиятларга эга табиат зонаси Марказий Осиёнинг катта қисмини ишғол этган. У ғарбда Каспий денгизи қирғоқларидан шарқ ва жануби-шарқда Жунғория Олатови, Тяньшан ва Помир-Олой тоғ тизимларигача, шимолда тахминан 48^0 ш.к. дан жанубда Копетдоғ ва Паропамиз тоғ олдиларигача чўзилган. Чўл ва чалачўллар ўлканинг 65,3 фоизини эгаллаб, уларнинг майдони қарийб 211 млн гектарга teng [4]. Республикалар бўйича таҳлил қилсак, Туркманистон худудининг 80 фоиздан ортиғини, Ўзбекистонни – 70 %, Қозоғистоннинг 27 фоизини чўллар эгаллаган [2]. Чўл шароитига эга ҳудудлар республиканинг ғарбий ва марказий қисмларини эгаллаб, уларга Устюрт, Қизилқум, Қуйи Зарафшон, Қарши чўли, Мирзачўл ва бошқалар киради.

Асосий қисм. Ҳар қандай табиий шароит ундаги иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга табиий шароит инсонлар ва уларнинг турмуш тарзига, жойнинг хўжалик тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт), манзилгоҳларни ташки қиёфасини (кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришни) яхшилашда ҳам муносиб улуш қўшади. Чунончи, ишлаб чиқариш кучларини жойланиши ва ривожланишида табиий муҳитни ўрни беқиёс. Арид ҳудудларда “иқтисодий ландшафт” нотекис, яъни воҳаларда зич, чўлларда эса сийрак жойлашув хосдир. Масалан, Ўзбекистон иқтисодий картасига назар солсак, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Жиззах воҳаларида ишлаб чиқариш

кучлари зич, Устюрт, Қизилқум, Мирзачўл, Қарноб, Марказий Фарғона, Маликчўл, Қарши чўли каби минтақаларда эса сийрак жойлашганлигини кўрамиз.

Айни пайтда чўл ресурсларидан нафақат саноат ёки қишлоқ хўжалигида, балки туризм, рекреация ва саломатликни тиклаш каби номоддий соҳаларда ҳам янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Маълумки, жаннатмакон Ўзбекистонимизда йил бўйи ички геотуризмни йўлга қўйиш имконини табиат бизга инъом этган. Биз бундан тўғри, мақсадли, самарали фойдаланишимиз зарур. Чўл зонасида дам олиш мавсуми: йилнинг март, апрел, май ойларига тўғри келади (тоғли минтақадаги Чорвоқ, Мироқи, Омонхонада июнь, июль, август, Чимёнда декабрь, январь, февраль).

Ҳаммага аёнки, тоғ зонаси ўзининг тоза ҳавоси, шифобахш суви ва доривор ўсимликлари билан машҳур. Шу ўринда чўлларнинг ҳам ўзига хос табиий шароити, рельефи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан туризм ва рекреация мақсадларида фойдаланиш мумкин. Бизга маълумки, Бухоро вилояти тўлиқ чўл зонасида жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Вилоятнинг чўл зонасида туристлар эътиборига ҳавола қилиниши мумкин бўлган жойлар сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин. Жумлдан, рельеф шакллари ва ресурслар бўйича:

1. Шамол ҳосил қилган рельеф шакллар – барханлар, кўчма қумлар, қум грядаларини томоша қилиш ва уларни ҳосил бўлиши тўғрисида маълумот олиш.
2. Қадимги Зарафшон (Палео Зарафшон) ўзанларини кузатиш. Бундай куруқ ўзанлар Қизилқум чўлининг турли районларида учрайди.
3. Қумда тобланиш. Қумли жойлар Цветущий – Жонгелди йўлининг чап томонида (Бухоро – Мискин темир йўлига боргунча) катта ҳудудларни эгаллайди.

4. Ҳудуднинг минерал ресурслари билан танишиш. Жумладан, Муллахол нефть кони, Чуруқ табиий бўёқлар кони, Аквариус маъданли суви ва бошқа конлардан хўжаликда фойдаланиш.
5. Гипсдан, яъни гипсли чўллардаги минераллардан турли сувинирлар ишлаб чиқариш. Шу орқали ҳунармандчиликни ривожлантириш ва минтақага келган туристлар учун турли эсдаликлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Сув ресурслари бўйича:

1. Қорақир кўлига саёҳат уюштириш (балиқ ови, пляжлар ҳосил қилиш, кўлда сайр қилишга имкон яратиш ва ҳ.к.);
2. Гужумли булоғи, минералашган, иссиқ булоқдан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш;
3. Маҳаллий ҳалқнинг сувдан фойдаланишга доир бой маданияти тўғрисида маълумотлар бериш. Сардобалар, қудукларга саёҳат уюштириш. Шунингдек, ҳудуддаги тақирларни аниқлаш ва улардан тоза сув йиғишини йўлга қўйиш.

Шунингдек, чўлнинг бетакрор иқлими аҳоли саломатлигини тиклашда муҳим рол ўйнашини унутмаслик лозим. Бухоро вилоятидаги чўлларда ҳам худди Туркманистоннинг Байрам-Али шаҳридаги сингари дунё аҳамиятига эга курортларни қуриш мумкин. Узоқ давом этадиган (қарийб олти ой) қуруқ ва жазира маҳаллий ҳамда ҳаво намлигининг 15-20 фоиздан ошмаслиги буйрак касалликларини даволашда яхши натижа беради [3]. Бундан ташқари, чўл зонасидаги иссиқ қум, шифобахш лой, тузли балчик, суви минераллашган қудук ва шўр кўллар атрофида ҳам саломатликни тиклаш муассасаларини ташқил қилиш имконияти бор. Мазкур масканларда кўпроқ суюк касалликларини, шунингдек, радикулит, бруцеллёз ва асад тизими билан боғлиқ баъзи касалликларни ҳам даволаса бўлади. Бухоро вилоятида бундай типдаги санаторийлар аллақачон шаклланган Бухоро шаҳри (Ситораи Мохи Хосса) ва унинг яқинида (Жўйзар) минерал сув, Олот туманида шўр сув ва

иссиқ қум ёрдамида даволаш йўлга қўйилган. Келажакда шу хилдаги даволаш муассасаларини кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Агар океан бўйидаги мамлакатларининг келажак тараққиёти бевосита океанлар билан вобаста бўлса, берк ҳавзада жойлашган минтақаларда чўлларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Шу жихатдан олиб қараганда, қуруқликнинг ички қисмида ўрнашган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун чўлларни тадқик этиш ўта мухим. Чунки, чўл зонаси республика келажагининг “иқтисодий кенгайиш” майдони ҳисобланади. Шу билан бирга чўллар катта табиий ресурс заҳираларига эга.

Хуноса. Маълумки, янги табиий бойликларни қидириб топиш ва улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш шаҳарлар тўрининг келажак тараққиётини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Чўлларда айниқса, нефт, газ, рангли металлар, кимё саноати хом ашёси, қурилиш материалларининг катта заҳиралари мавжуд. Бу эса истиқболда чўллар мамлакат иқтисодиётида мухим ўрин тутишидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вольский В.В., Кузина И.М., Иванова И.С. и др. Социально – экономическая география зарубежного мира. – М.: Дрофа, 2001.– 560 с. 38
2. Жумашов А.П. Эколо-географические условия и типы пустынь Средней Азии. – Ашхабад: Ылым, 1990. – 316 с. 42
3. Лейзерович Е.Е. Экономико-географические проблемы освоения пустынь. – М.: Мысль, 1968. – 158 с. 53
4. Петров М.П. Пустыни СССР и их освоение. – М.: Наука, 1964. – 147 с. 80
5. Muhammadovich, M. A., & Zakirovna, H. N. (2021). Agglomeration Processes in Modern Urban Planning (On the Example of Bukhara Agglomeration). *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 10, 9-12.

6. Muhamadovich, M. A. (2021). DEVELOPMENT OF MIDDLE CITIES IN ZARAFSHAN REGION. *EPRA International Journal of Research & Development (IJRD)*, 6(12), 1-1.
7. Mavlonov, A., & Jalilova, C. (2020). Geographical aspects of use of recreation resources for tourism (on the example of Bukhara region). *InterConf*.
8. Muhammadovich, M. A., & Zarifovna, J. C. (2020). GEOGRAPHICAL ASPECTS OF USE OF RECREATION RESOURCES FOR TOURISM (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA REGION). *EDITOR COORDINATOR*, 1081.
9. Muhammadovich, M. A., & Zakirovna, H. N. (2021). Agglomeration Processes in Modern Urban Planning (On the Example of Bukhara Agglomeration). *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 10, 9-12.
10. Muhamadovich, M. A., Elmurodovna, M. I., & Davronovna, K. D. (2020). The Desert Tourism And Opportunities For Its Development (On The Example Of Bukhara Region). *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(12), 68-73.
11. Салиев, А., Курбанов, П., & Мавлонов, А. (2008). Городское расселение в пустынях Узбекистана. *ÇÖLLERI ÖZLEŞDIRMEĞİN PROBLEMALARY PROBLEMLERİ OSBOENİİ İPUSTYIN PROBLEMS OF DESERT DEVELOPMENT*, 21.
12. Мавлонов, А. М. Бухоро агломерациясининг шаклланиши ва ривожланиши. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 23(23), 174.
13. Мавлонов, А. М., Нематов, А. Н., & Қаландарова, Д. Д. Бухоро вилоятининг чўл худудларидағи аҳоли манзилгоҳлари ривожланишининг айрим жиҳатлари. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 57(1), 2020-107.

14. Мухамадович, М. А. (2019). Развитие средних городов в Республике Узбекистан. *Материалы Географического общества Узбекистана*, 79-83.
15. Мухамадович, М. А. Бухоро вилояти шаҳарларининг классификацияси. *Ўзбекистон География жамияти ахбороти*, 26(26), 2005-70.
16. Салиев, А. С., Мухамедов, А., & Мавлонов, А. М. (2004). Проблемы совершенствования регионального расселения в Узбекистане. In *Материалы региональной научно-практической конференции «Туризм и наука*.